O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 28 октябрь, № 224 (3499) Пайшанба

## ДЕМОКРАТИЯ, ПАРЛАМЕНТ ВА ЗАМОН

***26 октябрь куни Тошкентда "Демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги" мавзусида ўтган халқаро учрашув — "Давра суҳбати" доирасида Олий Мажлисда учрашув бўлди.***

Унда Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, япониялик эксперт ва мутахассислар икки палатали парламентнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уни шакллантиришда хорижий тажриба, Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилигидаги юридик янгилик ва тамойиллар хусусида фикр юритдилар.

Икки палатали парламентнинг ташкил топиши давлат ҳокимияти олий органларини янги давр шароитига, демократиянинг умумэътироф этган меъёрларига мувофиқ тарзда такомиллаштириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида яна бир муҳим қадам бўлиши таъкидланди.

— Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик, — деди Япониянинг Нагоя университети профессори Кожи Оно.

— Ўзбекистоннинг сайловга оид қонунчилиги халқаро меъёр ва стандартларга тўла жавоб беради, фуқаролар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиши учун кенг имконият яратади. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда, икки палатали парламент фаолиятини ташкил этишда, сайловчилар билан ишлашни янада такомиллаштиришда ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида ўтган «Давра суҳбати» ҳам демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилигига бағишланди. Унда Италия, Россия ва Украина элчихоналари, БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХҲТ, алоқадор ташкилот ва идоралар вакиллари, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, бу галги сайловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган маърузалар тингланди.

— Ҳозир жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида, жумладан, Италияда ҳам икки палатали парламент фаолият юритмоқда, — деди Италиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжело Персиани. — Келгуси йилдан Ўзбекистонда ҳам шундай парламент иш бошлайди. Бу эса жамиятда демократик тамойилларнинг тобора чуқурлашувида, ҳаётнинг барча жабҳалари эркинлашувида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Бунда аҳоли барча қатламларининг фаол иштироки, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу мавзудаги «Давра суҳбати» Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар раҳбарлари, хорижлик экспертлар иштирок этди. Миллий Демократик институт (АҚШ) катта маслаҳатчиси Паула Ньюберг АҚШдаги икки палатали парламент ва сайлов тизимининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида сўзлади.

Шу йил 26 декабрда бўлажак сайловлар арафасида ўтаётган бундай учрашув ва тадбирлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юксак савияда ўтказишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## *Пудратчи ўзини кўрсатди*

*Андижон вилоятида пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаси бажарилган экан, билингки, бунда пудратчиларнинг катта ҳиссаси бор. Бир мисол. Ғуломқодир Мамаюнусов — Олтинкўл туманидаги Сайфуддин Ашуров номли ширкат хўжалигида бош пудратчи бўлиб ишлайди. У бошлиқ пудратчилар жорий йилда 43 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан зиёд ҳосил олишга эришдилар.*

**СУРАТДА: бош пудратчи Ғуломқодир Мамаюнусов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Шаҳрисабзда катта кураш байрами



*Бугун қадим Кеш шаҳрида бирйўла икки нуфузли халқаро беллашув — белбоғли кураш ва кураш бўйича соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир ҳамда ёшлар ўртасидаги мусобақа бошланди*

*Шуниси аҳамиятлики, шу кунга қадар Шаҳрисабзда, умуман, Қашқадарё вилоятида халқаро миқёсда бундай йирик мусобақа бўлиб ўтмаган. Шу боис ташкилотчилар мазкур беллашувнинг пухта ўтиши учун ҳар тарафлама катта тайёргарлик кўришди. Транспорт, алоқа, коммунал каби хизмат кўрсатиш тизими шай ҳолатга келтирилган. Хорижий тилларни пухта биладиган тиббиёт ходимлари қатнашчилар хизматида. Хуллас, шаҳар чемпионат боис байрамона безанган. Кўчалар, йўлаклар озода, саришта.*

*"Ҳисор" стадионида бўлиб ўтадиган кураш байрамида шаҳрисабзликлардан ташқари, турли вилоят ва хорижий давлатлардан ҳам кўплаб томошабинлар қатнашиб, ўз вакилларини қўллаб-қувватлашади.*

*Эслатиб ўтамиз, ушбу чемпионатда дунёнинг 40 та мамлакатидан келган барча вазн тоифасидаги 140 нафар курашчи ўз маҳоратини намойиш этади. Улар орасида Покистон, Қозоғистон, Туркия, Тожикистон, Грузия, Бразилиядан келган машҳур полвонлар ҳамда Янги Зеландия, Австрия, Уругвай, Гонконг, ҳатто Гаити, Фижи каби мамлакатлардан ҳам Шаҳрисабзга илк бора қадам ранжида қилаётган спортчилар бор.*

*Мутахассисларнинг фикрича, мусобақа қатнашчилари орасида Туркия, Бразилия, Қозоғистон ва албатта мезбон — Ўзбекистон терма жамолари совринли ўринга асосий даъвогардирлар.*

**Ўз мухбиримиз.**

**Таассуф**

# ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

## *ёки Тошкент вилоятида пахта тайёрлаш нега бундай ачинарли аҳволга тушиб қолди?*

Бу йил табиат деҳқонларимиздан ўз саховатини аямади. Далаларда пишиб етилган мўл-кўл пахта ҳосили йиғиштириб олина бошлангач, аксарият жойларда кўз очиб-юмгунча хирмонлар тўлиб-тошиб кетди. Ҳатто, кўпни кўрган, тажрибали деҳқонлар ҳам ана шу хирмонлар салобатини кўриб, бир муддат шошиб қолишди. "Яқин орада пахтадан бундай ҳосил олинганини эслолмаймиз", — дейишди улар ўз ҳайратларини яшира олмай.

Дарвоқе, ғалладан ҳам шундай мўл ҳосил етиштирилган, мўлжалдаги 4670 минг тонна ўрнига 5525 минг тонна ғалла ўриб-йиғиб олиниб, йиллик мўлжал ошириб бажарилган эди.

Шу чоққача табиат инжиқликларидан нолиб, барча айбни об-ҳавога тўнкашга одатланиб қолган танбал кимсаларнинг эса энди баҳонани қаердан қидиришни билмай бошлари қотганлиги ҳам рост. Аммо энг қизиғи, улар ана шундай шароитда ҳам табиатнинг тантилигини мардона эътироф этишга журъат қилишолмайди. Начора, "ўрганган кўнгил"-да...

Ўзбек пахтакори заҳматли меҳнатининг самараси, ризқ-рўзининг анчагина қисми ҳали ҳам чаноқларда турибди. Аллақачон зафар маррасига етган Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Хоразм, Жиззах, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари илиқ-иссиқ кунларни ғанимат билиб, отни жадал қамчилашаяпти — далаларни қолган ҳосилдан тозалаб, кузги-қишки юмушларни ҳам барвақт саранжомлаб олишга киришмоқдалар.

Мана шундай бир шароитда ҳам Тошкент вилоятида пахта терими суръатининг пастлиги-ю, йиллик шартнома режасининг бажарилиши хавф остида қолаётгани кишини ташвишлантиради. Об-ҳаво жуда қулай бўлган кунлар қадрига етилмаётганлиги, пахта терими қониқарсиз аҳволда ташкил этилаётганлиги, аксарият туманларда ўзибўларчилик кайфияти кучли эканлиги кишида таажжуб уйғотади.

Аслида, Тошкент вилоятида 2002 ва 2003 йилларда Чиноз туманидан бошқа бирорта ҳам туман шартномавий режасини бажармаганини ўша йиллардаги табиат қийинчиликларига йўйиш мумкин. Бироқ бу йилги деҳқончилик учун ҳар томонлама қулай келган об-ҳаво шароитда ҳам белгиланган вазифаларнинг барбод қилинаётганлиги ажабланарли ва ачинарли ҳолдир.

Шу ўринда, бу йил Тошкент вилоятида ғаллачилик бўйича ҳам ўтган йилдаги ҳосилнинг атиги 91 фоизи миқдорида дон йиғиштириб олинганлиги беихтиёр эсга тушади.

Вилоятнинг аксарият туман ва хўжаликларида об-ҳавонинг қулай келган кунларида ҳам терим суръати пасайиб, кунлик пахта топшириш салмоғи "ғозини йўқотиб" бораяпти. Бунга, айниқса, Бекобод, Бўка, Пскент, Янгийўл, Ўрта-Чирчиқ туманларининг хўжаликлари салмоқли "ҳисса" қўшаяпти. Айтайлик, 22 октябрь куни вилоятда тайёрланган пахта олдинги кундагига нисбатан 140 тоннага камайтириб юборилган.

Чиноз тумани пахтакорлари йиллик шартнома режасини 113 фоиздан ошириб бажариб қўйган, яна кунига 1,5 фоиздан пахта бераётган бир пайтда уларга ён қўшни бўлган, ери, суви, шарт-шароитлари заррача фарқ қилмайдиган Янгийўл туманида бу кўрсаткич аранг 73,68 фоизга етказилганлигини қандай тушуниш мумкин? Хуллас, пахта теримини уюшқоқлик билан ташкил этишда Бекобод (ҳокими — М. Шукуралиев), Қуйи-Чирчиқ (ҳокими — Р. Холматов), Ўрта-Чирчиқ (ҳокими — М. Тешабоев) туманлари ҳамон орқада "судралиб" юрибди. Айни шу туманларда кунлик терим суръатлари ҳамон пастлигича қолмоқда. Оқибатда бир кунда тайёрланган пахта вилоят бўйича 3200-3300 тоннадан ошмаётир. Ахир, ўтган йилги шароитда ҳам октябрнинг айни шу кунлари вилоят далаларидан кунига 6-8 минг тоннагача пахта йиғиштириб олинган эди-ку? Нима, бу йил ҳосил камми?

Биз Юқори-Чирчиқ, Бекобод, Оққўрғон, Қуйи-Чирчиқ ва бошқа туманларни айланиб, чаноқларда пахтаси лўппи-лўппи тошиб ётган далаларни кўрдик. Ҳосил етарли, фақат ҳамма гап уни териб олишни тўғри ташкил этишда. Тўғри, терим бошида вилоятда катта-кичик "штаб"лар тузилди, теримга ялпи сафарбарлик ҳақида биридан мафтункор режалар белгиланди. Лекин бугунги ҳолат улар оддий гап-сўзлару баландпарвоз ниятлардангина иборат эканлигини кўрсатмоқда. Зеро, ҳар қандай режа уни амалга ошириш йўлида сабот билан қилинган меҳнат туфайлигина уддаланади. Минг-минглаб одамларни шунчаки далага олиб чиқиш билан иш битмайди. Теримчилар учун етарли шароит яратиш, ичимлик сувидан тортиб, иссиқ овқатгача бўлган таъминотни ўрнига қўйиш, этак, тош-тарози, транспортни ташкил этиш, соат сайин пахтазор айланиб, теримчиларга илиқ сўз, очиқ чеҳра билан руҳ, ғайрат-шижоат бағишлаш лозим бўлади.

Афсуски, вилоятда теримчилар, ҳашарчиларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг меҳнатини янада унумлироқ ташкил этиш, рағбатлантириш борасида тузукроқ бош қотирилмаётир. Ёрдамга чиққанлар аксарият ҳолларда эътиборсиз қолдирилаяпти. Оқибатда пахта далаларида мавсум бошиданоқ кўтаринкилик сезилмади, кунлик терим суръати пастлигича қолаверди. Тўғри, вилоят бўйича 4 фоиздан ошириб пахта тайёрланган кунлар ҳам бўлди. Лекин ҳаво бирозгина совиб, ёмғир томчилаб ўтиши билан терим суръати бой берилди, қайта кўтарилмади. Чунки айнан ўша кунлари илиқ-иссиқсиз қолган теримчилар, ҳашарчилар кайфиятида пайдо бўлган салбий ўзгариш кунлик терим суръатига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

### «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2006 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев):

қонунларни "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар киритсин;

ўз қарорларини "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 август.

8

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон*
*Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2004 йил**

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш.

**8-модда. Ғазначиликнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари**

Ғазначилик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда Ғазначиликка кўмаклашишлари шарт.

Ғазначилик билан давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар бўладилар.

**9-модда. Ғазначиликнинг банк ҳисобварақлари**

Ягона ғазна ҳисобварағи Ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобварақҡа Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона ғазна ҳисобварағи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Ғазначилик томонидан очилади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва ўзга банкларда бошқа банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга.

Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

**10-модда. Давлат бюджети даромадларини ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ҳисобга киритиш**

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади.

**11-модда. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш**

Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан қайтарилишини амалга оширади.

4

Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

5

# САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

## қандай тартибда олиб борилади?

***Айни кунларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов кампанияси қизғин паллага кирди. Эндиликда сайловнинг асосий субъектлари ҳисобланган сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотларини бошлайди.***

***Жамият ҳаётидаги катта воқеликда ташвиқот ва тарғиботнинг меъёрлари қонунчиликда белгилаб қўйилган.***

Жумладан, сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиблари Марказий сайлов комиссияси низомида аниқ ва равшан кўрсатилган. Унда сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошланиши белгиланган. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг шакли, усуллари ва мазмунини мустақил равишда белгилайдилар. Лекин шуни айтиб ўтиш жоизки, уларнинг дастурлари давлатнинг суверенитетига, яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги ҳам низомда кўрсатилган.

Бундан ташқари, ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно) пул тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади. Номзоднинг ишончли вакиллари ҳам унинг номидан ташвиқот олиб бориши мумкин. Сайловолди тарғибот давомида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига давлат оммавий ахборот воситаларидан текин эфир вақти ва босма майдони ажратилади. Уларга давлатнинг ҳар бир телевидениеси ва радиоэшиттириш ташкилоти текин эфир вақтининг умумий миқдори ҳафтасига 40 дақиқани ташкил қилади. Бу эфир вақти куннинг энг кўп томошабин (тингловчи) йиғиладиган вақтида ажратилади. Бундан улар сиёсий дебатлар ўтказиш учун фойдаланиши мумкин. Биз сўз юритаётган низомда эфирга чиқишларнинг кетма-кетлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида белгиланиши келтирилган.

Давлат даврий матбуот нашрлари (давлатга қарашли ижтимоий-сиёсий газета, журналлар назарда тутилмоқда — Х. Э.) томонидан ҳар ҳафтада депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун текин ажратиладиган энг минимал босма майдони умумий ҳафталик босма майдонининг камида ўн фоизини ташкил қилиши керак. Текин ажратиладиган босма майдони умумий миқдори рўйхатга олинган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўртасида тенг миқдорда тақсимланади. Худди эфир вақтини белгилаганидек, Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларнинг даврий матбуот нашрларининг текин ажратадиган босма майдонини қуръа ташлаш ёки алифбо тартибида тақсимлайди. Шу билан бирга, сайловолди дастурлари текин эълон қилиниши муддатини белгилайди. Бундан ташқари, депутатликка номзодларга маҳаллий ОАВда ҳам белгиланган миқдор ва ҳажмда текин чиқиш ҳуқуқи берилиши низомда кўрсатиб ўтилган.

Давлат ОАВда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳақ тўланадиган шартда эфир вақти ёки босма майдони ажратилиши ҳам мумкин. Аммо бу текин ажратиладиган эфир вақти ёки босма майдони миқдоридан ошмаслиги керак. Сайлов кампаниясида нодавлат ОАВ ҳам депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратиб, сайловолди ташвиқот ишларини ёритишда қатнашиши мумкин. Бироқ шуни алоҳида айтиб ўтиш кераккки, мулк шаклидан қатъи назар, ҳар бир оммавий ахборот воситаси депутатликка номзодларга, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига бир хил шарт билан бир хил эфир вақти ёки босма майдони ажратишлари керак. Кўрсатилаётган ахборот хизматлари учун ҳақни ОАВнинг ўзлари белгилайди. Сиёсий партиялардан кўрсатиладиган номзодлар ОАВдан фойдаланган ҳолда ташвиқот олиб борганликлари учун маблағлар белгиланган тартибда сиёсий партиялар ҳисоб рақамларига, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари номзодларининг ташвиқот фаолияти учун тегишли округ сайлов комиссияларига Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Низомда сайловолди ташвиқот ишларини ёритишда ОАВга ҳам бир қанча талаблар қўйилган. Жумладан, ОАВда тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмаслиги керак. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқоти уларнинг розилигисиз таҳрир қилинмаслигини ОАВ вакиллари ёдда тутиши зарур. Шунингдек, сайловолди ташвиқотини эълон қиладиган даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари бирор-бир депутатликка номзодга, сиёсий партияларга ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларига нашр тиражи ёки даврийлигини ўзгартириш йўли билан устунлик беришга ҳақи йўқ. Сиёсий партиялар ёки депутатликка номзодлар томонидан таъсис этилган нашрлар бундан мустасно.

**Худойберди ЭШМАНОВ**
**тайёрлади.**

Хабарлар оқимидан

### *Гематологлар анжумани*

Кеча республика врачлар малакасини ошириш институтида мамлакатимиз гематолог ва трансфузиологлари ўзларининг 1 съездига тўпландилар. Унда Россия, Қирғизистон, Тожикистондан ташриф буюрган шу соҳа мутахассислари, олимлар иштирок этишяпти. Анжуманда замонавий гематология ва трансфузиология масалаларига оид турли илмий маърузалар тингланиб, муҳокама этилди.

Мамлакатимиздаги ўн беш фармацевтика компанияларининг шафелигида ўтаётган мазкур анжуманда янги дори-дармонларнинг тақдимотлари ҳам ўтказилди.

**Ўз мухбиримиз.**

### *Янги сув иншоотлари*

Наманган вилоятида "Резаксой" ва "Кенгкулсой" сув омборлари қурилиши қизғин давом этмоқда. "Резаксой" сув омбори қурилишида мингдан зиёд ишчи меҳнат қилаётир. Баландлиги 110 метрни, эни 450 метрни ташкил этадиган ушбу иншоотнинг умумий сиғими 660 миллион кубометрга эгадир. Сув омборининг 50 минг куб метр ҳажмдаги биринчи қисми келгуси йилда топширилиши кўзда тутилган.

Иншоотнинг биринчи босқичи "ТўполонсувГЭСқурилиш" масъулияти чекланган жамияти ишчилари томонидан амалга оширилмоқда.

— Яқинда жамиятимизга ҳукуматимиз томонидан 51 дона "БелАЗ" ва "МАЗ" русумли машиналар берилди, —дейди жамиятнинг етакчи мутахассиси А. Шарипов. — Бу эса иш унуми ва сифатининг ошишида ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда қурилишда иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, ишчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

**М. ТОЖИЕВА.**

# Ҳамроҳимиз — ҳақиқат, дўстимиз — ҳалоллик

***Сўнгги пайтларда журналистнинг касб одоби мавзуси тез-тез тилга олинаётгани, бу шарафли касб эгалари ҳақида, унинг обрўйи, мавқеи ва ахлоқи тўғрисида баъзи баҳс-мунозаралар, шов-шувлар, баъзан турли-туман миш-мишларнинг қулоққа чалинаётгани сир эмас. Агар «шамол бўлмаса» бундай гап-сўзлар чиқмасди, ўз-ўзидан болалаб кетмасди.***

Демак, қаердадир «барглар бекорга қимирламаган». Тинч турган баргнинг ўз-ўзидан қимирламаслиги аён. Ҳарқалай, давраларда, газетхонлар орасида ва учрашувларда журналист зотига андак ишончсизлик ва шубҳа-гумон билан қарайдиганлар пайдо бўлгани жуда ташвишли ҳолдир. Бу ўз-ўзидан оммавий ахборот воситаларига, айниқса, журналистларга бўлган ишончни сўндиради. Бунга асосий сабаб, биринчи галда, ўзимиз, яъни айрим ҳамкасбларимизнинг виждонсизларча қилаётган ножўя ҳаракатлари, таъмага мойиллиги ва совға-саломларга ўчлиги. Бундай ярамас ва жирканч одатларга ҳақиқий журналистлар эмас, балки кўпроқ журналистика атрофида юрган ўртамиёна, саёз ва истеъдодсиз кимсалар мойил бўладилар. Улар виждон, иймон ҳақида мақолалар, шеър ва ҳикояларни ёзиб, афсуски, ўша «виждон» ва «иймон» билан порахўрлик кўчасида ҳам бемалол, ҳеч нарса бўлмагандай юраверадилар. Масалан, бир ижодкор тасодиф туфайли нуфузли газеталардан бирига бош муҳаррир бўлиб қолди. Бургутларни, тоғларни улуғлаб шеър ёзиб юрган бу шоир акамиз муҳаррир бўлгач, олақарғанинг ишини қилди. Ҳар бир вилоятга икки-учтадан мухбир тайинлаб, уларни навбати билан тез-тез йиғилишга чақирадиган, йиғилишдан олдин эса уйига бирров кириб ўтадиган «график» тузиб қўйди. Оқибатда ўша газетада бир нарса олмаса ёзмайдиган, бир нарса бермаса мақоласини чиқармайдиган — айрим порахўр ходимлар гуруҳи пайдо бўлди. Тамагир муҳаррир тамагир мухбирларга доялик қилди. Оқибатда ўша муҳаррир ишдан кетди. Янги муҳаррир эса унинг порахўр думларини кесиб ташлади. Афсуски, бу кимсалар бошқа соҳаларга эмас, бошқа таҳририятларга ишга ўтиб кетишди. Минг афсус!..

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 12 август сонида газета Бош муҳаррири Аббосхон Усмоновнинг «Журналистика — иймондан бошланади» деб номланган ниҳоятда долзарб мақоласи эълон қилинди. Ва айтиш мумкинки, ушбу мақола виждонсизлик, иймонсизлик кўчаларига ҳайиқмай кириб кетган айрим ношуд, ношукур, товламачи ва фирибгар журналистлар учун ўз вақтида берилган ҳақиқий зарба бўлди. Муаллиф ўз мақоласида журналист касби нақадар машаққатли, мураккаб ва оғир бўлиши билан бирга, журналист ҳалоллик, тўғрилик, иймон ва эътиқодга ҳеч қачон хиёнат қилмаслиги, ҳамиша адолат томонида бўлиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган. Лекин шу билан бирга, ўз касбига доғ тушириб юрган айрим қаламкашлар ҳақида куюниб шундай дейди: «Қалам тутган ҳар бир кишини «журналист» дейиш тўғри эмас. Аниқроғи, бундайларни «журналист» номини ўзига ниқоб қилиб олган товламачи, десак тўғрироқ бўлади. Энди, нафсиламбирини

### Акс-садо

айтганда, бундай нусхалар орамизда камми? Масалан, топиб олган жойи бозор, нефть маҳсулотлари идораси, ёғ заводи, банк маҳкамаси бўлган кўпдан-кўп журналистлар товламачидан қанчалик фарқ қилади?..»

Ҳозир ҳақиқий фидойи, ўз ишининг билимдони бўлган журналистдан кўра, журналистика атрофида чанг чиқариб юрган ҳайбаракаллачилар, гувоҳномани жиғилдонига қалқон қилиб олган такаббурлар ва «фельетон қиламан» деб ҳамла қиладиган сурбетлар кўпроқ. Айниқса, телекамера билан қўрқитадиган «опержурналист»ларнинг хавфли тўдаси пайдо бўлган. Улар дағдаға йўли билан тамагирлик қиладилар, алдайдилар, худди ўғри мушукдек, бирор-бир ўлжанинг илинжида бўладилар.

Яна бир таниқли журналист ва адиб Хуршид Дўстмуҳаммад «Муаммонинг ечими бор» («Халқ сўзи», 1 октябрь) номли мақоласида бу машаққатли касбнинг нақадар мўътабарлиги, жамият ва халқ олдидаги юксак масъулиятига атрофлича баҳо бериб, «профессионал одоб профессионал ёндашувни тақозо этаётган»лигини, ҳар доим холис бўлишни, қуруқ сенсация «касали»га берилмасликни, «эркинлик фақат назоратнинг йўқолиши эмас, балки масъулиятнинг ортиши» эканлигини алоҳида таъкидлайди. Мақолада изтироб билан ёзилган шундай сатрлар бор: «Манфаатбозлик, тамагирлик, гуруҳбозлик, тарафкашлик яққол сезилиб қолаётган мақолалар, кўрсатув ёки эшиттиришларни фарқлаш қийин эмас. Бундай журналистика зинҳор обрў-эътибор қозонмайди, журналистнинг шаънини безамайди, аксинча, бирники — туманга, деганларидек, битта тамагир мухбирнинг (бу тоифадагиларни журналист дейишга ҳам тил бормайди) «хурмача қилиғи» минглаб покиза ҳамкасбларимизга иснод келтиради...»

Журналист ўз касбидан келиб чиқиб, ҳамиша виждон амрига қулоқ тутиб, иймонга қатъий таяниб қалам тебратиши керак. А. Усмонов ёзганидек: «Касбимизни, журналист номини пок асраш, қанчалик қийин бўлмасин, бу — бизнинг бурчимиз. Оммавий ахборот воситаларининг обрўйи — мамлакат ва халқнинг обрўйи, маънавиятимиз обрўйи. Буни унутмайлик».

Ўзбек журналистикаси жуда катта анъаналарга, миллий қадриятларга эга. Матбуотимиз тарихидан маълумки, ҳалол ва иймонли устозларимиз миллий журналистикамиз мактабини яратиб кетганлар. Собиқ шўро даврининг энг қийин ва оғир даврларида ҳам, қатағон бўронлари шафқатсиз эсган йилларда ҳам, «ура-ура»чилик авжга чиқиб, мақтовлар, ҳамду санолар дарёси беармон оққан пайтларда ҳам ўзларини йўқотмаган, виждонига хиёнат қилмаган ҳамкасбларимиз ҳам бўлган-ку! Айни пайтда журналист сўзини айтиш билан юзлаб ҳалол ва виждонли устозларимизнинг, ҳамкасбларимизнинг муборак сиймолари кўз олдимизга келади. Аввало, севимли касбимиз журналистикага, қолаверса, улуғ устозлар номига, анъаналарига доғ туширишга асло ҳаққимиз йўқ.

Таниқли журналист Сафар Остоновнинг айтишича, «Ўзбекистон овози» таҳририятига келган кекса журналистлардан бири: «Газеталар жойлашган улкан бинога ҳатто таҳоратсиз кирмаслик керак» дебди. Бу юракдан айтилган сўзларни шарҳлашга ҳожат йўқ. Шу ўринда Х. Дўстмуҳаммаднинг «Назаримда, Ўзбекистон журналистларининг касб кодексини яратиш фурсати етмоқда» деган фикрини тўла қўллаб-қувватлайман. Бу долзарб масала қанчалик тез ҳал этилса, журналистнинг қадр-қимматини, шаънини шунчалик асраб қолган бўламиз.

Биз ножўя хатти-ҳаракатимиз, нопок ишларимиз билан ортимиздан келаётган янги авлод журналистларини билиб-билмай чанг-тўзонли, тиканли ва ярамас одатлар кўчасига бошламайлик. Уларни биринчи галда тамагирлик, порахўрлик балосидан асрайлик. Ёшлар қаламни жиғилдон манфаати учун эмас, халқ, Ватан, миллат манфаатлари, келажаги учун ишлатишларига ўргатайлик.

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

*Ижтимоий муҳофаза*

# Бандлик дастури — амалда

Аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, бўш иш ўринларига малакали одамларни жалб этиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бунда, табиийки, жойлардаги меҳнат бўлимлари ташаббуси билан ўтказиладиган "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркасининг алоҳида ҳиссаси бор.

Куни кеча Зангиота туманидаги "Ўртаовул" қишлоқ фуқаролар йиғини биносида ана шундай ярмарка бўлиб ўтди. Ушбу ярмаркада туман вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, ички ишлар бўлими «Мони-Мебель» Сингапур-Самарқанд қўшма корхонаси, Зангиота автомобиль йўллар бошқармасида мавжуд бўлган иш ўринлари тақдим этилди. Пировардида шу куни 21 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

— Биз ишга фақат лаёқатли кишиларни жалб этаётганимиз йўқ, — дейди туман меҳнат бўлими раиси И. Жўраев. — Биласиз, 2004 йил — "Меҳр ва мурувват йили" экан, шунга кўра, туманимизда яшовчи ёш, аммо ишсиз ногирон йигит-қизларимизни ҳам қандай бўлмасин, фойдали иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Механизатор Абдужаббор Чориев



*Унинг номини Жарқўрғон туманидаги Тўхта Шобуров номли ширкат хўжалигида каттаю кичик билади. Чунки Абдужаббор Чориев йил-ўн икки ой мобайнида деҳқонга мададкор: экин-тикин ишларидан тортиб, ҳосилни саранжомлашгача бўлган барча юмушларни техника ёрдамида бажаради. Бугунги кунда жамоада 430 гектар ерга кузги дон экиш режаси уддаланган экан, бунда ҳам унинг муносиб ҳиссаси бор.*

**СУРАТДА:** илғор механизатор Абдужаббор Чориев.

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Қирқиш чизиғи

**12-модда. Давлат бюджетининг харажатларини амалга ошириш**

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

**13-модда. Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш**

Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларига Ғазначилик томонидан ўтказилади.

**14-модда. Давлат бюджети маблағларини бошқариш**

Ғазначилик ягона ғазна ҳисобварағидаги ва Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджети маблағларини уларни Давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек, Давлат бюджети бўш маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради.

**15-модда. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби**

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ғазначилик томонидан, шунингдек, давлат

6

Буклаш чизиғи

нинг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат.

**5-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси муддатлари**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси молия йили мобайнида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қўшимча вақт даврида амалга оширилади.

**6-модда. Ғазначилик**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда Ғазначилик деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

**7-модда. Ғазначиликнинг асосий вазифалари**

Ғазначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджетининг касса ижроси;

Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

Давлат бюджети маблағларини бошқариш;

Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек, буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;

Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

3

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармаларининг) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси (бундан буён матнда Давлат бюджетининг ғазна ижроси деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари**

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат.

**4-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек, Давлат бюджети-

2

Буклаш чизиғи

солиқ ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади.

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

**16-модда. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот**

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ғазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ғазначилик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар молия органларига тақдим этилади.

**17-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**18-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 август.

7

# ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

## ёки Тошкент вилоятида пахта тайёрлаш нега бундай ачинарли аҳволга тушиб қолди?

(Давоми. Боши 1-бетда).

22 октябрь куни ҳар бир теримчи хирмонга ўртача 19,1 килограммдан пахта тўкди. Ҳолбуки, аллақачон йиллик пахта тайёрлаш режасини бажариб қўйган Чиноз тумани пахта далаларида қўл терими ўша куни ўртача 34 килограммни ташкил қилган эди. Теримчиларнинг иш унуми Бекободда 14,7, Юқори-Чирчиқда 14,7, Янгийўлда 16,3 килограммга аранг етиб борганини айтадиган бўлсак, бир кунда қанча имконият бой берилганлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Бу ҳам ҳолва экан. Илиқ-иссиқ бўлган 23 октябрь куни ҳам вилоятда ўртача қўл терими олдинги кундагидан деярли уч килограмм камайиб, 16,4 килограммга тушиб қолди. Мазкур рақам Бекободда-10,3, Ўрта-Чирчиқда-12,7, Юқори-Чирчиқда-13,4 килограммни ташкил этганлиги эса янада ачинарлидир. Таққослаш учун шуни айтиш лозимки, йиллик шартнома режасини бажарган Жиззах вилоятида айни ўша куни теримда қатнашган ҳар бир теримчи ўртача 35,2, аллақачон йиллик маррадан ошиб кетган Қашқадарёда 18,2, қўшни Сирдарё вилоятида эса 20,9 килограммдан пахта терган.

Бу энди умумий манзара. Тошкент вилоятида теримда қатнашаётган ҳашарчиларнинг меҳнат натижалари бундан ҳам паст. Бекобод туманида шаҳардан чиққан ёрдамчилар 11,5, вилоят ташкилотларидан келган ёрдамчилар 14 килограммдан пахта теришганлиги ҳам ишни ташкил этишдаги юзакичилик оқибатидан бошқа нарса эмас.

Теримчи ва ҳашарчилар томонидан терилаётган бу килограммларни ҳисоблаётганда, «Нима учун етиштирилган ҳосилнинг атиги 7 фоизи пахта териш машиналарида терилди, бу йил хўжаликларда агрегатлар вақтида созланди, МТПлар юқори унумли, замонавий терим машиналари билан таъминланди, деб берилган ахборотлар қаерда қолди, ахир Тошкент вилоятида олдинги йилларда бутун ҳосилнинг 50 фоиздан кўпроғи машиналарда терилар эди-ку?» – деган саволлар туғилади.

Бугун вилоятнинг пахтакор хўжаликларида 66 мингдан зиёд ҳашарчи пахта тераяпти. Лекин туманлар ҳокимлари ёки хўжаликлар раҳбарлари уларнинг яшаш шароитлари, ҳашарчиларга маиший, маданий ёки тиббий хизмат кўрсатишнинг амалий режаларига эга эмас. Жойларда бўлиб, терим ташкилотчилари билан суҳбатлашсангиз, бу масалалар баъзи маҳаллий раҳбарларнинг ҳатто хаёлларига ҳам келмаганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Оилавий пудрат вилоят пахтачилигига чуқур сингиб кетган. Лекин хўжалик раҳбарларида ташкилотчилик қобилиятининг етишмаслиги, уларнинг ўз вазифасига эътиборсизлиги, бефарқлиги туфайли пудратчиларда меҳнатга бўлган рағбат сусайиб бораётир. Акс ҳолда, шу йил 22 октябрь ҳолатига кўра, вилоятдаги 7868 оилавий пудратчининг атиги учдан бир қисмигина давлатга пахта сотиш шартномавий режасини уддалармиди? Айниқса, Бекобод, Қуйи-Чирчиқ, Ўрта-Чирчиқ, Пскент, Янгийўл туманларида пудратчилар даласидаги терим суръати ниҳоятда пастлигича қолмокда.

Бекобод туманида теримнинг ҳозирги аҳволи, айниқса, кишида жиддий ташвиш туғдиради. Хўжаликларда пахта тайёрлаш суръати кескин пасайиб, 0,8-0,9 фоизга тушиб қолди. Бу кўрсаткич 22 октябрь куни Навоий номли хўжаликда 0,21, "Фарҳод"да 0,11, "Ўзбекистон"да 0,19, Улуғбек номли хўжаликда 0,35 фоизга тушиб кетди. Туман бўйича пахта тайёрлаш шартномавий режаси эса 65,65 фоизни ташкил қилди. Бу рақамлар изоҳга муҳтож эмас. Юқори-Чирчиқ, Қуйи-Чирчиқ, Янгийўл туманларидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас.

Пахта теримидаги бугунги сусткашлик ҳақида гап очсангиз, туман ҳокимлари, хўжаликлар раҳбарлари турли-туман баҳоналарни рўкач қилишади. Уларнинг бирортаси кунлик теримни ёки пахта топшириш ишларини қандай қилиб тузукроқ ташкил этиш, теримга бор куч ва имкониятларни тўла сафарбар этиш хусусида аниқ-тиниқ гап айтиша олмайди. Ҳокимлар бугун теримни жадаллаштириш, ёз бўйи тер тўкиб етиштирилган ҳосилни тезроқ териб олишни йўлга қўйиш эмас, муаммоларни санаш, баҳона излаш, турли сабабларни кўрсатиш билан овора.

Шу ўринда вилоят далаларида ўзимиз кўриб, шоҳиди бўлган айрим манзаралар хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтсак. Фикримизча, Бекобод туманида маҳаллий аҳолини пахта йиғим-теримига кенгроқ жалб этиш масаласига етарли даражада эътибор қаратилмаётир. Бўлмаса, бошқа шаҳар ва туманлардан келган минг-минглаб одамлар иссиқ жойларини совитиб, Бекобод пахтасини тераётган бир пайтда қанчадан-қанча бекободлик ёшлар кўча-кўйда бекорчиликдан тентираб юрармиди? Баъзи одамлар пахта қолиб, далада ўзларининг шахсий юмушлари билан андармон бўлармиди? Биз ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳ бўлганимиз учун ҳам бу гапни айтаяпмиз.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, шу йил 23 октябрь куни туманда 13 минг 600 нафар хўжалик аъзоларидан 3 минг 200 нафари пахта теримига чиқишган, холос. Учта хўжалик аъзоларидан эса ақалли бир киши ҳам пахта теримида иштирок этмаган. Ана шу кишиларнинг аксарияти эса туман бўйича 5 минг гектар майдонга экилган такрорий экинларни йиғиштириб олиш билан овора. Туман ҳокими Муҳаммаджон Шукуралиевнинг эътироф этишича, бу ҳолатнинг асл сабаби бу ерда меҳнат интизомининг бўшаштириб юборилганлиги билан боғлиқ.

Маълумки, Оққўрғон – вилоятнинг энг "юки" оғир туманларидан. Чунки оққўрғонлик пахтакорлар жорий мавсумда давлатга 39 минг 220 тонна пахта хомашёси сотишни режалаштиришган. Албатта, бу вазифани уддалаш тумандаги оддий пудратчи-ю фермерлардан тортиб, катта-кичик раҳбарлардан ҳам катта масъулият, омилкорлик ва керак бўлса, фидойиликни талаб қилади. Зеро, уларнинг ўзлари мавжуд имконият ва шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда шундай масъулиятни елкаларига олишган. Асл деҳқон учун эса лафзида турмоқ – ҳар қандай баҳонаю важлардан кўра муҳимроқдир.

Дарвоқе, Оққўрғонда ҳашарчиларга бўлган муносабат бобида ҳам кўнгилни хижил қиладиган ҳолатга дуч келдик. "Оққўрғон" — тумандаги энг йирик пахтачилик хўжалиги бўлиб, бу ерда 6007 тонна қимматбаҳо хомашё тайёрланиши кўзда тутилган экан. Бироқ 22 октябргача далалардан атиги 3958,4 тонна пахта йиғиштириб олинган. Бу шартнома режасининг 65,90 фоизини ташкил этади, холос.

Хўжалик идорасининг шундоққина ёнида жойлашган маданият саройида Бўстонлиқ туманидан келган ҳашарчилар яшаётган экан.

– Хўжалик раҳбарлари бирон марта келиб хабар олишдими? – дея сўрадик ҳашарчилардан бири Холбика Бемирзаевадан.

– Йўқ... Улар хабар олишмаса ҳам, давлатимизнинг кўмагини ҳис қилиб турибмиз. Бизга терган пахтамиз учун ўз вақтида пул бериб борилаяпти.

Қизиқ, хўжалик раҳбарлари ҳар куни идорага неча бор кириб чиқишса-ю, шундоққина рўпарадаги хароба бинода яшаётган ҳашарчиларнинг ҳоли билан қизиқишмаса... "Оққўрғон" ширкат хўжалигидаги бу аҳвол халқимизнинг "Ош ўзингдан, нон ўзингдан, ишла, кўзингдан" деган аччиқ мақолини ёдга солмайдими?

Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдураҳим Қўчқоров билан учрашиб, "клуб"даги аҳвол хусусида гап очганимизда, у киши:

– Шундайми? – деди ҳайрон бўлиб. – Хотиржам бўлинг, бугуноқ уларнинг шароитларини яхшилаймиз.

– Хўжаликнинг пахта тайёрлаш режаси эндигина 65 фоиздан ошибди. Бунинг сабаби нимада?

– Мен бу ерга яқинда раҳбар бўлиб келганман, – деди Абдураҳим Қўчқоров. – Шунинг учун бу хусусда бир нарса дея олмайман.

– Қачондан буён ишлайсиз?

– Шу йилнинг январидан бери...

– Ие, унда бу йилги пахтани ўзингиз эккан экансиз-ку?

Кутилмаганда раис бизнинг саволларимизга жавоб беришдан бош тортди. Бош ҳосилот Саидмурод Чегабоевга имо қилиб: "Ҳамма сўроқларингизга шу одам жавоб беради" дея ўзини четга олди. Очиғи, бу ҳолатни кўриб, кулишимизни ҳам, куйишимизни ҳам билмай қолдик. Хўжаликнинг барча оғирлигини ўз зиммасига олиши, унинг истиқболи учун тинмай жон куйдириши зарур бўлган раҳбарнинг оддий бир ҳолатда масъулиятни ўзидан соқит қилишга уринишини қандай тушуниш керак?

Терим аниқликни ёқтиради. Аммо айрим раҳбарларда ҳардамхаёллик, бепарволик, эътиборсизлик кучли. Масалан, Юқори-Чирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли хўжалик раҳбари Қурбон Тўрабеков ҳатто пахта далаларини контурлар бўйича фарқлай олмайди, теримчилар қайси далаларда пахта теришаётганидан ҳам бехабар. Бундай эътиборсизлик фермер хўжаликларини ташкил этиш "тажрибаси"да ҳам намоён. Чунончи, туманда 40 га яқин фермер хўжалиги бир гектар-икки гектар майдонда пахта етиштиради. Уларнинг ярми ҳам пахта топшириш бўйича шартномавий режасини ҳали-ҳануз бажаргани йўқ.

Қуйи-Чирчиқ тумани деҳқонлари бу йил 35 минг 225 тонна пахта тайёрлашни режалаштирган эдилар. 22 октябргача ана шу кўрсаткич 27 минг 135 тоннани ёки режага нисбатан 77,03 фоизни ташкил этган. 14 та хўжаликдан атиги иккитаси режани бажарган. Тўғри, улар орасида энг кўп пахта берадиган "Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги" ширкат хўжалиги деҳқонлари ўша кунларда 7820 тонналик маррани бугун-эрта забт этиш арафасида туришган экан. Бироқ, айрим хўжаликларда шартномавий режа бор-йўғи 50-60 фоиз атрофида бажарилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Мисол учун, шу йил 22 октябргача Беруний номли ширкат хўжалигида бу кўрсаткич – 48,35, "Пахтачи"да-52,25, "Меҳнатобод"да-58,77, "Янги ҳаёт"да-60,85 фоизни ташкил қилган, холос. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин...

Қуйи-Чирчиқ туманидаги фермер хўжаликларида 9832 тонна пахта тайёрлаш режалаштирилган бўлса, бу кўрсаткич эндигина 81,17 фоизга бажарилган, холос.

– Кейинги йилларда Қуйи-Чирчиқда пахта тайёрлаш шартнома режасини бажаришнинг имкони бўлмаётганлиги рост, – дейди туман ҳокими Рустам Холматов. – Бунинг сабаблари кўп... Биз ҳам бор имкониятларни ишга солиб, вазиятни ўнглашга интилаяпмиз. 2002 йили туман бўйича пахта тайёрлаш режаси 67 фоиз уддаланган бўлса, бултур 79 фоизга етказилди. Бугунги кундаги аҳвол ўзимизни ҳам ташвишлантиряпти. Ҳамма айб ўзимизда. Ишни ташкил этишда сусткашлик қиляпмиз. Қулай фурсатларни қўлдан бой бердик. Бор ҳосилни йиғиштириб олиш чора-тадбирларини кўришга ҳаракат қиляпмиз. Лекин бу йил ҳам шартномани бажара олмай, юзимиз шувут бўлиб қолмаса, деб қўрқаман.

Тумандаги "Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги" ҳамда Улуғбек номли ширкат хўжаликлари бир ариқнинг икки бўйида жойлашган. Иккаласидаги шарт-шароит ҳам, ернинг ҳолати ҳам бир хил. Бироқ натижалар, меҳнат самарадорлиги бир-биридан кескин фарқ қилади. "Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги" ширкат хўжалигида ҳар йили пахта ва бошқа экинлардан мўл-кўл ҳосил етиштирилса, Улуғбек номли ширкат хўжалигида эса, аксинча ҳолатни кузатиш мумкин. Бу йил ҳам биринчиси пахта режасини бажариш арафасида турган бир пайтда иккинчи хўжалик энди аранг 64,16 фоиз пахта тайёрлаган, холос...

– Яшириб нима қилдик, – дейди Янгийўл туманининг собиқ ҳокими Раҳматилла Ҳикматов, – туманда пахта йиғим-териминнинг сустлигига бу борадаги ташкилий ишларни пишиқ-пухта амалга оширолмаганлигимиз асосий сабаб бўлмоқда. Баъзи хўжаликлар раҳбарларининг пудратчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатмаганлиги, оддий одамларнинг қалбига кириб бора олмаганлиги ҳам бу йўлда ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Шу ўринда яна бир гап. Тумандаги "Озод" ширкат хўжалиги фермерлар уюшмасига айлантирилган эди. Бу йил у ердаги аксарият фермерлар давлатга пахта сотиш шартномавий режаларини ошиғи билан бажаришди. Шу далилнинг ўзиёқ ерни ҳақиқий эгасига беришнинг самараси катта эканлигини кўрсатиб турибди.

Дарвоқе, фермер хўжаликлари ҳақида... Вилоятда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши Зангиота туманида 6 фоиз, Оҳангарон туманида 7 фоиз, Ўрта-Чирчиқ, Қуйи-Чирчиқ, Янгийўл туманларида 10 фоизни ташкил қилади. Ваҳоланки, фермерлик ҳаракатини астойдил қўллаб-қувватлаб, тажрибали, ерни яхши биладиган, шартномавий мажбуриятларни виждонан бажараётган фермерларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатилаётган вилоятларда бу кўрсаткич 30 фоиз ва ундан ҳам юқори.

Вилоятда яна уч-тўрт туман пахта тайёрлаш шартнома режасини бажариши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Демак, қолган етти туман бу йил ҳам шартномавий режани уддалай олмаслиги кўзга ташланиб қолмоқда.

Ваҳоланки бу йил Тошкент вилоятида пахта етиштириш учун миллиард-миллиард сўмлик иш ҳақи, моддий-техника ресурслари сарфланди. Лекин кўриб турибсизки, кўзланган ҳосилни тўла йиғиб-териб олиш ишлари ўлда-жўлда. Шундай бўлгач, бу харажатлар кимнинг ёки ниманинг ҳисобига қопланади?

Умуман, вилоятда пахта теримини ташкил этишда юзага келган бугунги ҳолатларнинг сабаблари кўп. Лекин асосий сабаб – раҳбарларда, уларнинг ўзларига юклатилган вазифалар оқибати учун масъулиятни чуқур ҳис қилмасликларидадир. Биз бу гапни бекорга айтаётганимиз йўқ. Қиёслаш учун шуни айтиш мумкинки, Бекобод туманидаги "Дўстлик" ёки Оққўрғондаги "Ўзбекистон" ширкат хўжаликлари раҳбарларидек қатъиятли, билимдон, ғайратли бўлган жойларда ҳосил ҳам мўл, теримда ҳам уюшқоқлик бор, пул ҳам мўмай. Лекин уларнинг тажрибасини жиддий ўрганиб, кенг тарғиб этиш ҳақида на вилоят раҳбарлари, на туман ҳокимлари ва на мутасадди ташкилотлар мутасаддилари бош қотирадилар...

Ҳозирги ғанимат кунларда Тошкент вилояти пахта далаларида йиғим-теримнинг аҳволи ана шундай. Бу сусткашликни кўриб, теримдаги бундай қолоқликнинг сабаблари ҳақида ўйлаганда, беихтиёр кўнгилда бир қатор саволлар туғилиши табиий. Нега шундай бўлаяпти? Бундай боқибеғамликнинг, ўзибўларчиликнинг сабаблари нимада? Вилоятда нега ўнгланиш юз бермаяпти? Шунда беихтиёр Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг шу йил январь ойи охирида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз айтган қуйидаги сўзлар ёдга тушади: "Олдимизда аччиқ бир савол пайдо бўлиши табиий. Нима бўлдики, вилоят эришган марраларини тобора бой бермокда?"

Ўшанда пойтахт вилоятининг пахтачилик соҳасидаги "ортга чекиниш" жараёни чуқур таҳлил қилиниб, сўнгги йилларда пахта ҳосилдорлиги 5 центнер камайиб кетишининг сабаблари очиқ тилга олинган, шу ва бошқа соҳалардаги аҳволни кескин ўнглаб олиш, вилоятни яна илгариги марраларга олиб чиқиш мақсадида бир қатор кадр ўзгартиришлари амалга оширилган эди. Хусусан, шу чоққача Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган Козим Тўлаганов катта умидлар билан вилоят ҳокими этиб тайинланган, унга катта ишонч билдирилган эди.

Шундан буён орадан маълум вақт ўтди. Лекин бугун вилоят пахтачилигида юзага келган нохуш вазият ана шу эзгу умидларнинг ҳали-вери амалга ошмаслигидан далолат бераётганга ўхшайди. Ҳатто табиий ва тупроқ-иқлим шароитлари ниҳоятда мураккаб бўлган Жиззах вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари йиллик режани бажариб, мамлакат олқишини олган бир пайтда Тошкент вилояти бу мавсумда ҳам "отнинг кейинги оёғи" бўлиб қолмоқда. Бир пайтлар довруғи баланд бўлган вилоят бундай ҳолатдан чиқа оладими?

Гап шундаки, вилоятда бу йил ҳам пахтачилик билан боғлиқ ташкилот, идора ва хўжаликлар фаолиятида асосли, аниқ мақсадни кўзлаб, изчил ишлаш руҳияти қарор топмаётир. Аксинча, деярли ҳар бир ишга ёндашувда, уни ташкил этишда, белгиланган катта-катта режаларни рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатларда юзакичилик, ўзибўларчилик, масъулиятсизлик ва интизомсизлик иллатлари урчимоқда. Тўғри, катта-кичик йиғилишларда қаттиқ-қуруқ гаплар, таъна-дашномлар айтилади, талаблар қўйилади. Бироқ амалда эса уларнинг натижаси, самараси кўзга ташланмайди. Чунки катта-кичик раҳбарларда жавобгарлик масъулияти йўқ, жонкуярлик, янгиликка интилиш, ҳавас, завқ-шавқ билан ишлаш, одамларни янги-янги мақсадлар сари бошлаш иштиёқи бамисоли сўнгандек.

Ўйлаб қаралса, мазкур ҳолатларнинг сабаблари анча чуқур эканлигини кўриш мумкин. Хусусан, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни ҳам янгича шакл ва мазмун асосида ташкил этишга эришилмаган. Айниқса, фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, улар учун бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бениҳоя асқотадиган янги инфратузилмани яратиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Деҳқонлар онгида ерга эгалик ҳисси тўлиқ шакллантирилмаган.

Қолаверса, вилоят раҳбарларининг ҳам қишлоқ хўжалигига алоқадор ишларни тўғри ташкил этиш ва бошқариш масаласига жиддий эътибор қаратмаётганликлари аён бўлиб қолмоқда. Бир мисол. Маълумки, Жиззах вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида бу йил пахта етиштиришда фермер хўжаликларини асосий кучга айлантиришга эришилди. Ерни ҳақиқий эгасига топшириб, уларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилганлиги натижасида фермерлар анча юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Бу эса ўз навбатида мазкур ҳудудларда пахтанинг ялпи ҳосилдорлиги, иш унумдорлиги ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ортишига ёрдам берди. Афсуски, Тошкент вилоятида (вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари Йўлдош Тожибоев) ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шу масалага ҳам жиддий эътибор қаратилмади.

Вилоятда пахта теримини ташкил этиш, уни йиғиб-териб олишнинг ҳозирги аҳволи таҳлили шуни кўрсатадики, барча бўғиндаги раҳбарлар бу борада хўжакўрсинга ишламоқдалар. Масъулиятни етарли даражада ҳис этмай, интизомни бўшаштириб юборганлар, бу борада қабул қилинган қарорлар, белгиланган режалар ижроси учун етарлича жон куйдиришмаяпти.

Терим мавсуми бошида ишлаб чиқилган режаларни рўёбга чиқариш борасида ҳам жонкуярлик кўзга ташланмаяпти. Буни ишга ярoқли кучларни теримга жалб қилишдаги ўзибўларчилик ва теримчиларга зарур шарт-шароитлар яратишдаги боқибеғамлик ҳолатларига барҳам бериб, ҳосилни қисқа фурсатларда йиғиб-териб олиш бобида жавобгарликни янада кучайтириш ўрнига бепарволик, масъулиятсизлик авж олганлигида ҳам кўриш мумкин.

Табиий савол туғилади: Тошкент вилоятининг ҳозирги раҳбарлари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича ишлаш, янгича фикрлаш, янгиликларга интилиш, мамлакатимизда кечаётган кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш борасида етарлича қатъият кўрсата олишяптими? Бугунги бозор иқтисодиёти тамойилларини, унинг туб моҳиятини тушуниб етишаяптими? Бу каби саволларга аниқ ва жўяли жавоб топиш ҳозирча қийин. Агар жавоб бўлганида вилоятда юқоридаги сингари салбий ҳолатлар юзага келмаган бўларди. Бу шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини бошқаришда эскича услуб, эскича фикрлаш ва тушунча билан иш юритишдан вилоят ва туман раҳбарлари ҳамон воз кеча олишмаяпти. Бунинг оқибати эса ойнадек равшан. Хўш, вилоятнинг бундай аҳволга тушиб қолганлиги учун жавобгарликни ким зиммасига олади?

Бугунги тахминий ҳисоб-китобларга кўра, айни пайтда вилоят далаларида 77 минг тоннадан зиёд ҳосил чаноқларда турибди. Агар ана шу пахта ўз вақтида нест-нобуд қилмай йиғиштириб олинса, шунинг ўзидан 17,5 миллиард сўм даромад қилинади. Бу эса вилоят иқтисодиётини янада равнақ топтиришда, халқ турмуш даражасини оширишда мустаҳкам замин яратади. Кузнинг тантилиги билан инъом этилган илиқ-иссиқ кунларни ғанимат билиб, пахта йиғим-теримини ташкил этишда жиддий бурилиш ясалмас экан, вилоятда катта меҳнат ва сарф-харажат эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишдаги аҳвол ўзгармайди. Бас, шундай экан, бор ҳосилни қор-ёмғирга қолдирмай саранжомлаб олиш бугунги ташкилотчиликка, уюшқоқликка, жонкуярликка ва фидойиликка боғлиқ. Буни вилоят, туманлар, хўжаликлар раҳбарлари яхши тушуниб олишлари, теримни жадаллаштиришнинг барча имкониятларини ишга солишлари керак. Акс ҳолда, бугунгидек ўзибўларчилик, бефарқлик ва ҳафсаласизлик билан иш тутиш охир-оқибатда уларни боши берк кўчага олиб кириб қўйиши, шубҳасиз. Энг ёмони, бунинг оқибатида эл-юрт ноннасибасининг бутунлигига путур етади. Бунга йўл қўйишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

**Ў.РАҲМАТ,**
**Ғ.ШЕРМУҲАММАД.**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ**

**2004 йил ноябрь ойининг репертуари**

75-мавсум

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2 | сешанба | 18.00 | П.Чайковский. «Иоланта», опера. |
| 3 | чоршанба | 18.00 | С.Юдаков. «Майсаранинг иши», опера. |
| 4 | пайшанба | 18.00 | Дж.Верди. «Отелло», опера. |
| 5 | жума | 18.00 | Рус маданий марказининг 10 йиллигига бағишланган концерт. |
| 6 | шанба | 18.00 | Дж.Пуччини. «Богема», опера. |
| 7 | якшанба | 17.00 | Қадимий романслар кечаси. |
| 9 | сешанба | 18.00 | «Шопениана» ва Миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари ижросида концерт дивертисменти. |
| 10 | чоршанба | 18.00 | «Шопениана» ва Миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари ижросида концерт дивертисменти. |
| 11 | пайшанба | 18.00 | М.Ашрафий. «Севги тумори», балет. |
| 12 | жума | 18.00 | Р.Леонкавалло. «Масхарабозлар», опера. |
| 13 | шанба | 17.00 | П.Чайковский. «Шелкунчик», балет. |
| 14 | якшанба | 17.00 | Ж.Россини. «Севиля сартароши», опера. |
| 16 | сешанба | 18.00 | М.Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари иштирокида катта концерт. |
| 17 | чоршанба | 18.00 | П.Чайковский. «Оққуш кўли», балет. |
| 18 | пайшанба | 18.00 | Ж.Верди. «Травиата», опера. |
| 20 | шанба | 18.00 | А.Навоий номидаги давлат академик катта театрининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча. |
| 21 | якшанба | 17.00 | А.Адан. «Жизель», балет. |
| 23 | сешанба | 18.00 | В.Моцарт. «Фигаронинг тўйи», опера. |
| 24 | чоршанба | 11.00 | С.Прокофьев. «Золушка», балет. |
| 25 | пайшанба | 18.00 | Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматовнинг ижодий кечаси. |
| 26 | жума | 18.00 | А.Хачатурян. «Спартак», балет. |
| 27 | шанба | 18.00 | «Офарин» замонавий рақс театри (А.Навоий номидаги ДАКТ). |
| 28 | якшанба | 12.00 | А.Гладков. «Бремен мусиқачилари», мюзикл. |
| | | 17.00 | Г.Мушель. «Қадимий Афросиёб афсонаси», балет. |
| 30 | сешанба | 18.00 | И.Акбаров. «Суғдиёна йўлбарси», опера. |

Театр бош ҳомийси — SAMSUNG Electronics, ҳомий — Le Meridien TASHKENT PALACE HOTEL.
Театр директори — Бахтиёр Ёқубов.
Бадиий раҳбар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Эргашев.

**Касса дам олишсиз соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Тел.: 133-90-81.**

**Ташкилот ва фирмалар раҳбарлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси ТИАА «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги томонидан

**мусиқа асбоблари ва аксессуарларни сотиб олиш учун тендер муддати узайтирилганлигини маълум қилади.**



Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2004 йил 2 ноябрь соат 14.00 гача.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси.
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

**ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

Хизматлар лицензияланган

**2004 йил 3-6 ноябрь**
**«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ», ТОШКЕНТ**

ТАШКИЛОТЧИЛАР:
- Россия Федерацияси Президентининг Сибирь Федерал округидаги ваколатли вакили аппарати;
- «Сибирское соглашение» минтақалараро уюшмаси;
- «ЭкспоНовосибирск» халқаро кўргазмалар лойиҳалари.

**УНИВЕРСАЛ САНОАТ КЎРГАЗМАСИ**

**СИБИРЬ ВА ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ИШЧИ ФОРУМИ**

**НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН ЙЎНАЛИШЛАР:**
- ёнилғи-энергетика мажмуи;
- электротехника саноати ва машинасозлик;
- кимё саноати ва фармацевтика;
- агросаноат мажмуи, қишлоқ хўжалиги;
- озиқ-овқатлар, қайта ишлаш саноати;
- халқ истеъмоли моллари, маиший техника ишлаб чиқариш, йиғиш ва бутлаш.

Ўтказиш жойи: Тошкент ш., Амир Темур к., 107-уй, «Ўзэкспомарказ».
Телефонлар: 134-45-45, 134-41-33. Факс: 134-54-40, 134-40-88.

## Инсон ёди азиз

***Истиқлол халқимизнинг интиқиб кутган асрий орзуси эди. У бизга ҳар соҳада эркинлик ва қанот берди. Бугун биз ўтмишни холисона ўрганаётган эканмиз, озодлик ва мустақиллик ғояларини ўзида акс эттирган ҳамда халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган Туркистон мухторияти ҳақида ҳам одил фикр юритмоғимиз даркор. Туркистон мухторияти ўз фаолияти давомида демократик миллий давлатчиликни барпо этиш мафкурасини шакллантирганлиги билан эътиборга молик. Бунда Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Фитрат каби маърифатпарварларнинг хизматлари катта. Улар қаторида Обиджон Маҳмудов ҳам бор. Афсуски, у кишининг номи бугунги авлодга яхши маълум эмас. Зеро, Обиджон Маҳмудов ким эди? У Туркистон мухторияти тарихида қандай из қолдирган? Биз ушбу саволлар билан унинг набираси, муҳандис-технолог, пенсионер Соҳибжон ОБИДЖОНОВга мурожаат қилдик.***

# БИРИНЧИ НОШИР ВА МУҲАРРИР

— Аввало, Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан истиқлол йўлида жон фидо қилганлар қаторида бобомизнинг ҳам номи эҳтиром билан тилга олинганидан беҳад миннатдорман, — дея сўз бошлади Соҳибжон ака. — Бобомиз Ватанимиз тарихида эрксевар сиёсатчи ва давлат арбоби, тадбиркор сармоядор, маърифатпарвар матбаачи, қалами ўткир муҳаррирликдан ташқари, маориф ва маданият ҳомийси сифатида ҳам машҳур бўлган.

Бобом 1858 йили Марғилонда дунёга келган. Кейинчалик тақдир тақозоси туфайли ота-оналари билан Қўқон шаҳрига кўчиб келиб, муқим яшаб қолишган. Бошланғич таълимни маҳалладаги домладан олган, сўнгра рус-тузем мактабида ўқиган. Ўқишдан бўш пайтларида поччаси Мирзакарим заргардан савдогарлик, акаси Саидодилдан эса мумчилик касби сир-асрорларини ўрганган. Омади чопиб, савдогарчиликдаги ишлари тез ривожланиб, Қўқон шаҳрида бир нечта дўконлар очган, айни пайтда Москвадан турли хил саноат моллари сотиб ола бошлаган. Фарғона водийсидаги қатор нефть конларини сотиб олгач, ўзбеклардан чиққан биринчи тоғ-кон саноати эгаси сифатида нафақат Туркистонда, балки бутун Россия империясида ҳам ном чиқарган. 1895 йили Челекен ярим оролига бориб, ер сотиб олади ва нефть қазиб чиқара бошлайди. Шу орада Петербург университетининг тоғ-кон куллиётини ҳам тугатади.

У савдо-сотиқ ва тадбиркорлик туфайли ҳаётнинг ичида юрган ва бошқа юртларнинг турмуш тарзини кўргандан кейин Туркистон халқларининг аянчли аҳволини, мустамлакачилар зулми-талончилигини чуқур англаб етади ҳамда халқининг оғирини енгиллатиш йўлларини излашга киришади. Жадидлик ҳаракати вакиллари билан танишади. Улар билан ҳамкорликда халққа моддий ва маънавий кўмак бериш чора-тадбирларини режалаштиради. Маҳалладоши Пўлатжон Қаюмов домлага жадид мактаби ташкил қилиб, зарур ўқув қуролларини олиб беради. Унинг бевосита раҳбарлигида 1914 йили хусусий босмахона ташкил қилинади (ҳозирда ўзининг номи билан аталувчи кўчада). Ўша йилнинг 3 апрелидан бошлаб босмахонада «Садои Фарғона», июнь ойидан эса рус тилида «Ферганское эхо» газеталари чоп этила бошлайди. «Садои Фарғона» Россия мусулмонлари орасида ҳам машҳур бўлган. Унинг ҳаворанг шойи матода юз нусхада босилган биринчи сонидаги «Мақсад ва маслак» мақоласида О. Маҳмудов шундай деб ёзганди: «Газетани нашр этишдан мақсадимиз, албатта, тижорат эмас, балки халқимизга қўлимиздан келган қадар хизмат этмакдур». Дарҳақиқат, у ўзининг долзарб мақолаларида одамлар онги ва билиш даражасини кўтаришга, маърифат, озодлик, ҳурлик ғояларини тарғиб этишга интилди. Туркистоннинг мустақил республика бўлиши учун фаол ҳаракат қилди.

Газета саҳифаларида Беҳбудий, Мунаввар қори, Тавалло каби фидойи зиёлиларнинг шеърлари, мақолалари ва очерклари мунтазам равишда босилиб турган. Афсуски, газетанинг халқ орасида мавқеи ошиб бораётганидан талвасага тушган мустамлакачи тўралар қарши ҳаракатга ўтиб, цензура кучайтирилади ва публицистик мақолалар чоп этилишига рухсат берилмай қўйилади. Натижада 1915 йилнинг июнь ойида сўнгги — 123-сон чиққач, газета фаолияти тўхтатилади.

1917 йил инқилобидан сўнг Туркистон маърифатпарварлари ва барча эрксевар кучлар ўлкани мустамлакачилар зулмидан озод қилиш ҳаракатига тушишади. 26 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон мусулмонларининг IV фавқулодда съезди иш бошлайди. 28 ноябрда эса съезд «Туркистон мухторияти» деб аталадиган мувaққат ҳукумат тузилганлигини эълон қилади. Ҳукумат таркибида озиқ-овқат вазири этиб сайланган О. Маҳмудов ушбу маъсулиятли лавозимда ғайрат билан ишлайди. Кавказ мусулмонларининг биродарона ёрдам сифатида ажратган дон маҳсулотларини ўша таҳликали дамларда қўрқмасдан вагонларга юклатиб, халқига етказиб берган эди.

1918 йил февралида Туркистон мухторияти большевиклар томонидан зўрлик билан ағдарилиб, айрим аъзолари отиб ташланади. Бобомиз Бухоро шаҳрида қўлга олиниб қамалади ва бор мол-мулки мусодара қилинади. Шундан кейин ҳам ватанпарварларнинг бир гуруҳи ўз ғоя ва мақсадларини совет ҳокимияти идораларига жойлашган ҳолда амалга оширмоқчи бўладилар. Бироқ уларнинг ҳар бир қадами таъқиб остига олинади. Куз ойида бобомиз қамоқдан чиқарилиб, Москвага, Туркистон автоном республикаси ваколатхонасининг нашриёт бўлимига ишга жўнатилади. Бир неча йил Москвада ишлаб, Қўқонга қайтганидан сўнг Шўрсув конидаги ишларни бошқариб туради. Шунга қарамасдан, большевиклар ҳукумати унга сира тинчлик бермайди. Турли арзимас баҳоналар туфайли 1926 йилда 8 ой қамоқхонада ётиб чиқади. Яшаб турган ҳовли-жойи давлат ихтиёрига ўтказилади. Нафақа олиш тўғрисидаги аризаси рад этилади. Бошпанасиз ва чорасиз қолгач, ўзи қурдирган маҳалла масжидида фарзандлари билан умрининг охиригача яшаб ўтади. Бундай адоқсиз изтироблару камситишлар оқибатида бетобланган бобомиз 1936 йил 21 ноябрда вафот этади. Уни «Шайхон» қабристонига қўйдилар.

* * *

Мустақиллик мен учун ҳамма нарсадан қадрли. У менга бобомизни қайтариб берди. Эл-юрт озодлиги, равнақи йўлида қилган хизматларини юзага чиқарди. Ота-боболаримизнинг озодлик ва эрк учун курашида унинг ҳам муносиб ўрни борлигини эътироф айлади.

Ўтиб бораётган Меҳр ва мурувват йилининг илиқ баҳор кунларидан бири — 27 апрелда бевосита Қўқон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Ҳамза номли театрда Обиджон Маҳмудов хотирасига бағишланган катта кеча ўтказилди. Тумонат одам йиғилди. Тадбир меҳмонлари ва қатнашчилар бобомиз қабрини зиёрат қилгач, адабиёт музейига ташриф буюриб, у кишига бағишланган стенд ҳамда витриналар билан танишдилар, шоирлар хиёбонида бўлдилар. Филология фанлари номзоди Р. Тожибоевнинг маърузаси, халқ таълими аълочиси Ҳадичахон Обиджонова каби қариндош-уруғларнинг хотиралари, дил сўзлари, «Сарвигул» дастасининг куй-қўшиқлари қалбимизни тўлқинлантириб юборди. Кеча бобомиз яшаган ҳовлида хотира лавҳаси очилиши билан якунланди.

**«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.**

## *Японча гул ясаш сирлари*

*Яқинда Фарғонада Япония маданият кунлари бўлиб ўтди. Меҳмонлар Фарғона давлат университети талабаларининг ўқиш ҳамда яшаш тарзлари билан танишдилар.*

*Айни пайтда университетда Япон маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 80 нафар талабанинг кунчиқар юрт тили, маданияти ва тарихини ўрганишида япон мутахассислари ёрдам бермоқда.*



**СУРАТДА:** талабаларга япон мутахассиси гул ясаш сирларини ўргатмоқда.

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Муҳрланган лаҳзалар

***Айтишга осон. Сурхондарёлик Иброҳим ака Бобохўжаев 1941 йилдан 2001 йилгача — роппа-роса олтмиш йил мобайнида ёшларга сабоқ беришдек камтарона, айни пайтда ўта шарафли ишни садоқат билан адо этган. Яқинда у киши таҳририятимизга келиб, ўз хотиралари битилган мўъжазгина мактубларини қолдириб кетибдилар. Унда, хусусан, шундай дейилган: «... Биласизки, ўқиб-ўрганиш ҳам, ўқитиш ҳам ўта савобли, хайрли иш. Шу боис сабоқ олган муҳтарам устозларимни ва қадрли шогирдларимни бир умр унутолмайман. Улар ҳақида икки оғиз сўзлагим келди».***

## *Муаллим ён дафтаридан*

### Чиройли ёзувларни эслаб

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари Тошкентдаги 42-мактабда ўқирдим. Ғиёс ака Хўжаев деган ёш, ёқимтой ўқитувчимиз бўларди. У киши жуда чиройли ёзарди ва доим бизни шунга ундарди: «Болалар, ҳуснихатга одатланинг, чиройли ёзган кишининг қалби ҳам шундай бўлади. Келажакда ёшларга берадиган сабоғингизда бу кўп асқотади».

Кўп ўтмай, машъум уруш бошланиб, кўплар қатори севимли ўқитувчимиз ҳам фронтга жўнаб кетди. Кейинчалик у кишининг ҳалок бўлиб, Россия ўрмонларида абадий қолиб кетганидан хабар топдик. Минг афсус...

### Фусункор «айн» ва «ғайн»лар

Урушдан сўнг пойтахтдаги мўътабар даргоҳ — университетда ўқиш насиб этди. Араб тили ва араб ёзувида дарс берадиган Бетгер фамилияли опа кўпчилигимизнинг ёдимизда қолган. У киши мураккаб айн, ғайн, лом-мим каби арабча ҳарфларни жуда чиройли ёзиб тушунтирарди. Қанча тиришсак-да, биз домланикидек чиройли ёза олмасдик.

Маълумки, ҳаттотлик санъати Шарқда жуда қадрланган. Ўзи оврупалик бўлган Бетгер опанинг арабча ёзувга ҳавас қўйганига қойил қолардик. У кишининг доскадаги фусункор ёзувларига қараб раҳматлик Ғиёс аканинг сўзларини эслардим.

### Профессор шогирд билан учрашув

Бекатда автобус кутиб тургандим. Бир пайт олдимиздан «Тико» секингина ўтиб сал нарида тўхтади. Ундан тушган бир киши кулимсираб кела бошлади. Орадан эллик йил ўтса-да, биз бир-биримизни танидик. У собиқ ўқувчим Муроджон эди. Қучоқлашиб кўришдик. Устоз-шогирд жуда ҳаяжонда эдик. Очиғи, бу пайтдаги ҳолатни сўз билан изоҳлаш мушкул. Кўнгил ҳаяжондан ҳапқирди, хотиралар кўзларни намлади...

Мен шогирдимнинг Тошкентда ўқиб, шаҳарда қолганлигини, сўнг илмий иш қилиб, фан доктори, профессор бўлганини эшитгандим. Айтишича, у энди бутунлай шаҳарлик бўлиб кетибди. Орадан шунча йил ўтиб, профессор шогирд билан унинг устози — оддий мактаб ўқитувчиси ўртасидагидек учрашув, унинг ҳаяжони ҳамма касбдошларга насиб этсин, дейман.

**Р. ЁРЛАҚАБОВ тайёрлади.**

## *Шеърият шайдолари*

Самарқанд шаҳридаги болалар ижодиёти саройида мактаб ўқувчиларининг "Нафосат" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ташкил этган ушбу тадбирда ижодкор ўқувчилар ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Ифодали шеър ўқиш, ижодкорлик салоҳияти билан ажралиб турган Пастдарғом туманидаги 13-мактаб ўқувчиси Соҳиба Жалилова, Тойлоқ туманидаги 8-мактаб ўқувчиси Интизор Шодиева, Нурobод тумани 41-мактаб ўқувчиси Феруза Пўлатовалар "Нафосат" совриндорлари бўлишди.

**А. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**


*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар ҳамда чет эл сармоядорлари!*

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI»**

*масъулияти чекланган жамияти қуйида кўрсатилган корхона, уларнинг асосий воситалари ва кўчмас мулкларининг биржа савдоларини ўтказади.*

| № | Объект номи | Объект манзили | Бошланғич баҳоси (минг сўм) |
|---|---|---|---|
| 1. | "PENT-UZ" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси низом жамғармасининг 43.5 фоизлик давлат улуши | Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, «Сағбон» кўч., 30-берк кўча, 79-а уй | 1 319 330,5 |
| 2. | "OZQISHLOQLOYIHA" МЧЖнинг 25 фоизлик давлат улуши | Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота, Ц мавзеси | 6 667,56 |
| 3. | "Ташинтерм" МЧЖ шаклидаги Ўзбек-Хитой қўшма корхонасининг низом жамғармасидаги 58,0 фоизлик давлат улуши | Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, «Дилкаш» кўч., 2-уй | 1 040 909,245 |
| 4. | 1-Тошкент давлат медицина институтига қарашли 4 қаватли, майдони 5333 кв.м. бўлган собиқ 7-сонли ётоқхона биноси | Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, Хўжаев кўч., 42-уй | 125 334,30 |
| 5. | "SUVQURILISH" ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасига қарашли кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз) | Тошкент ш., Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўч., 9-уй | 564,000 |
| 6. | "Politex-sport" шўъба корхонаси | Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, «Университет» кўч., 2-уй | 115,0 |
| 7. | "SARBON-SARI" давлат унитар корхонаси | Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ш.Рашидов кўч. 23-уй | 671,60 |
| 8. | "O'ZDAVTIBLOYIHA" тиббий муассасаларни лойиҳалаштириш ва илмий-текшириш давлат институти | Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўч., 30-уй | 568 782,605 |
| 9. | "ICHTA'MINOTTRANS" МЧЖнинг низом жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши | Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, «Зарқайнар» кўч., 2-уй | 4 715,725 |
| 10. | Қурилиши тугалланмаган 86 хонадонли турар жой биноси | Тошкент ш., Сергели тумани, Нарзуллаев кўч., 40-"б" уй | 427 600,169 |
| 11. | "Азия-Чем" Ўзбекистон-Туркия-Россия қўшма корхонасининг низом жамғармасидаги 41 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Усмон Юсупов кўч., 1-а уй | 421 262,70 |
| 12. | "Ташигрушка" ишлаб чиқариш корхонасининг бино ва иншоотлари | Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, «Қорасарой» кўч., 334-уй | 380 740,80 |

Шу билан бирга, биржа, савдоларига қўйилган бошқа кўчмас мулкларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарорига мувофиқ, бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш тартибига асосан қўйилган объектларни ҳам харид қилишингиз мумкин. Биржа савдоларида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар объектни харид қилишингизда сизнинг хизматингизда бўладилар.

**Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.**

**Бундан ташқари,**
**"RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI"**
**якка тартибда уй-жой қуриш учун ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бўйича қуйидаги манзилгоҳларда жойлашган ер майдонларини «кимошди» савдолари орқали сотмоқда.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га тенг бўлган 17 та ер майдони. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 512 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га тенг бўлган 12 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 153 600 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га тенг бўлган 1 та ер майдони.
**Бошланғич нархи — 576 800 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» мавзесида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги ер майдонлари:

«Спутник-1» мавзеси, 58 ва 61-уйлар орасидаги, «Спутник-9» мавзеси, 11 ва 12-уйлар орасидаги, «Спутник-9» мавзеси, 7 ва 8-уйлар орасидаги, «Спутник-9» мавзеси, 31-уй ёнида, «Спутник-9» мавзеси, 47-уй ёнида, «Спутник-1» мавзеси, 60-уй, «Спутник-2» мавзеси, 51-уй. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 428 400 сўм.**

*«Кимошди» савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. «Кимошди» савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари 11.00 да ўтказилади.*

**Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, «Мовароуннаҳр» к., 16-«А» уй.**
**Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида пул тўланади.**
**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.**

**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78. Факс: 144-92-30.**

**Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати,**
*собиқ 20-болалар уйи ўзининг 75 йиллигини Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида 2004 йил 18 ноябрь соат 15.00 да нишонлайди.*
*Собиқ тарбияланувчилар ва битирувчилар ўз ижодий асарлари билан 2004 йил 10 ноябргача таклиф этилади.*
**Мактабимиз тантанасига марҳамат!**
*Маълумот учун телефон: 75-96-45.*
9982R/2371

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



TRINITY = RISO
- ризографлар ва сарфлаш материаллари
- қирқиш (ideal), брошюралаш жиҳозлари ва ламинаторлар (rexel)
- жиҳозларни лизинг асосида сотиш
- совғага — «Panasonic» телефон аппарати

Тел./факс: (998 71) 152-26-30, 152-71-95. Товар сертификатланган.


Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмоновага падари бузруквори **Иброҳим ота УСМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтибтехника» акциядорлик компанияси жамоаси компания бош бухгалтери Б. Расулевга акаси **Жумҳур РАСУЛЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоаси консерватория қошидаги иқтидорли болалар академик лицейининг раҳбари М. Файзиевга отаси **Муҳаммадали ота ФАЙЗИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари институтнинг илмий ишлар бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор М. Каримовга отаси **Шокир КАРИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси марказий қўмитаси фахрий темирйўлчи Дилмурод Раҳимовга падари бузруквори **ҲАКИМЖОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоаси Спорт ва миллий ўйинлар кафедрасининг профессори Аҳролжон Рўзиевга онаси **ХОЛИДА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДА «Ўзуйжойжамғармабанк» жамоаси Сирғали филиали бошқарувчиси муовини Умиджон Дадамуҳамедовга отаси **Анвар ДАДАМУҲАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —1167. 21502 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[T]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 0.30 1 3456